

## ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНДУСТЛИК СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРАР ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИДИР

**Сатимбаева О.**

*СамИСИ “Туризм” кафедраси магистранти*

**Абдурайимов У.А.**

*СамИСИ “Сервис” кафедраси катта ўқитувчиси*

***Аннотация** ушбу мақолда меҳмонхоналарда, умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатига таъсир этувчи асосий омилларга алоҳида эътибор қаратилган.*

***Калим сўзлар:** овқатланиш, маҳсулотлар, ошпазлик, хизмат, корхона, савдо.*

***Аннотация** В данной статье особое внимание уделено основным факторам, влияющим на качество обслуживания в предприятиях общественного питания.*

***Ключевые слова:** питание, продукция, приготовление пищи, услуга, предприятие, торговля.*

***Abstract** This article pays special attention to the main factors influencing the quality of service in public catering establishments.*

***Key words:** food, products, cooking, service, enterprise, trade.*

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳалари ялпи ички маҳсулотни яратишдаги иштирокига кўра моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилади. Масалан, сиҳатгоҳ, шифохона, болалар муассасаларида умумий овқатланиш хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Умумий овқатланиш корхоналарида ялпи ички маҳсулот моддий буюм шаклида яратилади. Бундан ташқари, умумий овқатланиш миллий иқтисодиётда йўналтирилган маблағларнинг тез айланувчанлиги билан дастлабки жамғаришга хизмат қилувчи тармоқлардан бири сифатида бозор ривожланишига хизмат қилади. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида умумий овқатланишга йўналтирилган маблағларнинг тез айланиши, соҳанинг ривожланишига хизмат қилиши билан бирга миллий иқтисодиётнинг

бошқа тармоқларида ҳам бозор муносабатларининг кириб келишига, сингишига хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда ривожланади. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожлана олмагани сингари, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ҳам бошқаларидан ажралган ҳолда ривож топмайди. Чунки, тармоқларнинг яхлит бир тизими ягона ташкил этилган бозор инфратузилмасини ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларидан бирининг оқсаши бошқа тармоқларга ҳам салбий таъсир этгани сингари, бир тармоқнинг тез суратларда ривожланиши бошқа тармоқларнинг ривожланишига замин яратади.

Замонавий жамиятдан бери овқатланиш ҳаётда катта рол ўйнайди. Биринчидан, бу озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш технологияларининг ўзгариши, алоқаларни ривожлантириш, уни тайёрлаш учун маҳсулотлар ва хом ашёларни етказиб бериш воситалари ва кўплаб ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш билан таъминланади. Шу ўринда умумий овқатланиш корхонасига таъриф бериб ўтсак, бу юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш, шу жумладан маҳсулот ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш маҳсулотларини истеъмол қилиш ва сотиш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш жойида ва ундан ташқарида харид қилиш учун фойдаланиладиган мулкый мажмуа ҳисобланади. Овқатланиш корхоналарида туристларга хизмат кўрсатиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга, чунки ушбу соҳада улар ўзаро боғлиқ учта функцияни бажарадилар:

- 1) ошпазлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- 2) ошпазлик маҳсулотларини сотиш;
- 3) уни истеъмол қилишни ташкил қилиш.

Умумий овқатланиш соҳаси ижтимоий фаровонлик ва савдо билан шуғулланади ва муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади.

Республикамизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш соҳалари ичида, овқатланиш корхоналари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда, Республикамиз ҳудудида турли мулкчилик шаклига эга бўлган овқатланиш корхоналари – ресторан, кафе, бар, тамаддихона, ошхона ва бошқалар мавжуд бўлиб, улар бир - бирларидан ишлаб чиқарилаётган таомлар



олиш вақтининг анчагина қисмини ҳожат чиқариш учун навбат кутишда ўтказса, ноқулай аҳволда қолмайдами? Бундай ҳолатларда, албатта мижозларнинг ресторан хизматларидан ҳақли равишда норози бўлишларига сабаб бўлади ва ўз ўрнида ресторанда кўрсатиладиган хизматлар маданиятининг пастлигидан далолат беради.

Кўп йиллик ўрганишлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ҳолатларнинг бўлиши, айниқса хусусий ресторанлар фаолиятида учрайди. Чунки бундай ресторан соҳибларининг кўпчилиги бошқа соҳа мутахассислари бўлиб, махсус билимга эга бўлмаганликлари учун хизмат кўрсатиш маданиятининг сир-асрорларидан бир мунча йироқ бўлишади. Шу боис, бизнинг фикримизча, барча овқатланиш корхоналарида фаолият юритадиган иш бошқарувчи ёки менежерлар махсус ихтисосликга эга бўлган мутахассислардан бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире. 2020 г. [www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019](http://www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019); [www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweightestimates-2019](http://www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweightestimates-2019); UNICEF. 2020.
2. [www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019](http://www.unicef.org/reports/UNICEF-WHO-low-birthweight-estimates-2019); [www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweightestimates-2019](http://www.who.int/nutrition/publications/UNICEF-WHO-lowbirthweightestimates-2019); UNICEF. 2020.
3. Абдуллаев Р.В. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари туризм индустрияси ривожигаги тенденциялар. «Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида туризмнинг аҳамияти» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 11 май 2019 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 2019.-17-19 б.
4. Ердавлетов С. Р. География туризма: история, теория, методы, практика. Алматы, 2000.-331 с.
5. Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Маърузалар курси. СамИСИ. 2009.-212 б.

6. Мясникова Е.Н. Традиции и культуры питания народов мира. Российский экономический университет им. Г.В.Плеханова. Москва. 2018.- 67 с.
7. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, 2006.-76 б
8. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография, Тошкент, «Иқтисодиёт», 2013.-212 б.